Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 10-iyun, seshanba № 71 (3420)

Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

**Ислом КАРИМОВ**

## КОЛЛЕЖДАН – КОРХОНАГА

***Навоий индустриал иқтисодиёт коллежида 1 минг 570 нафар ўқувчи ўзи танлаган ихтисослик бўйича замонавий таълим олмоқда.***

Ўтган йили коллежни битирган 540 нафар ўқувчининг бандлиги тўлиқ таъминланди. Жорий йилда ўқув муассасасини 532 нафар йигит-қиз бухгалтерия, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, кимёвий ишлаб чиқариш технологи, электр жиҳозлари ва тармоқларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича техник-электрик, сув-газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлатиш устаси каби мутахассисликлар бўйича битиради. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида «Қизилқумцемент», «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Baht-textile» Ўзбекистон-Россия-Лихтенштейн қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари билан уч томонлама шартнома имзоланди.

***Суратларда:*** *Навоий индустриал иқтисодиёт коллежида; коллеж ўқувчиси Шерзод Хайитов.*

**ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар**

### Истиқлол шарофати

# Самарқанд сайқали

Самарқанд нафақат кўрку малоҳатда, иқтисодий юксалиш бобида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Истиқлол боис шаҳарнинг енгил ва оғир саноати мисли кўрилмаган тарзда ривожланди. Биргина ўтган йили ҳудуддаги корхоналарни модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш учун киритилган 136,7 млрд. сўмлик инвестиция саноат тараққиётининг 15,6 фоизга ўсишини кафолатлади. Маҳсулот экспорти ҳажми 48,2 фоизга ўсишига эришилди. Айни чоғда вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 2693 та корхона фаолият кўрсатаяпти.

### ... ЮК ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Транспорт иқтисодиёт истиқболининг асосий параметри саналади. Бугун икки йирик автомобилсозликка ихтисослашган завод Самарқанд довруғига довруғ қўшаётгани рост. «Самавто» заводида ишлаб чиқарилаётган автобус ва юк автомобилларининг нафақат ҳажми, балки моделлари ҳам тубдан такомиллашаётир. Яна бир гигант корхона — «MAN» автомобил заводининг залворли одими ҳам эътирофга сазовор.

Бундан уч йил муқаддам Президентимизнинг «Оғир юк кўтарадиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Автомобилсозликнинг муҳим турига асос бўлган бу қарор асосида ўша йилнинг охирларида тўртта русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилишига эришилди. Орадан икки йил ўтиб, 50 турдан ортиқ махсус юк машиналари ва махсус техникалар ишлаб чиқарила бошланди.

***(Давоми 3-саҳифада).***

### Сўз – халқаро конференция иштирокчиларига

# Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда

***ЎзА мухбирлари 5-6 июн кунлари Тошкент шаҳрида ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг таассуротлари билан қизиқди.***

**Ван Исҳак бин Ван ИСМОИЛ, Путра университети муҳандислик факултетининг қишлоқ хўжалиги технологиялари ва автоматлаштириш кафедраси профессори (Малайзия):**

— Халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилиб, ҳар томонлама фойдали бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Президент Ислом Каримов нутқи менда катта таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларга доир теран ва ҳар жиҳатдан асосли фикрлари анжуманнинг барча қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлидаги изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Муттасил ўсиб бораётган иқтисодий кўрсаткичлар, хусусан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши мунтазам равишда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда айрим минтақа ва давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий беқарорлик халқаро бизнес ривожига ҳам путур етказмоқда. Ишбилармонлар фақат тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, қулай муҳит яратилган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади. Мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик Ўзбекистон халқининг энг катта ютуғидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар халқ фаровонлигини янада юксалтиришга ва ёшларнинг изланишларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи ёшлар келгусида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кучига айланиши шубҳасиз.

**Имре ХУБАИ, Қишлоқ хўжалиги палатаси вице-президенти (Венгрия):**

— Халқаро анжуманда Европада, хусусан, Венгрияда озиқ-овқат етиштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги маърузам билан иштирок этдим.

Бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб доимий равишда ўсиб бораётганига қарамай, асосий эътибор уларнинг юқори сифатига қаратилмоқда. Зотан, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, фойдали моддалар, витамин ва микроэлементлар катта миқдорда фақат сабзавотлар, мева ва узум таркибида бўлади ва уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай маҳсулот боса олмайди. Мамлакатингизнинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имконият яратаётганига ҳавасимиз келди.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжуд. Венгрия ҳам бу соҳада замонавий «ноу-хау»ларга ва катта тажрибага эга бўлиб, уруғ ва кўчат етиштириш жаҳон талаблари даражасида йўлга қўйилган. Тошкентда ўтган конференция биз учун дунё эксперт ва ишбилармонлари, жумладан, ўзбекистонлик мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

**Хе ХУЦЗЮН, Хунан провинцияси қишлоқ хўжалиги бошқармасининг халқаро ҳамкорлик департаменти директори (Хитой):**

— Президент Ислом Каримовнинг нутқи мен учун ўзига хос дарс бўлди. Ундаги фикрлар, қиёсий таҳлиллар қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ривожи учун жуда фойдали. Ўрнак олиш, хулоса чиқариш учун барча асослар етарли.

Ўзбекистоннинг бу соҳадаги муваффақиятлари юртингиз бозорларида яққол намоён – уларда инсон учун керакли ҳамма нарса бор. Маҳсулотлар кўп ва хилма-хил.

Бунча маҳсулотни етиштириш, сифатли сақлаш ва йил давомида аҳолига узлуксиз етказиб беришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби барча тармоқлар мутаносиб ривожланган, зарур инфратузилма йўлга қўйилган бўлиши керак.

Халқаро конференция доирасида жойларда бўлганимизда Ўзбекистонда ана шундай изчил тизим яратилганига гувоҳ бўлдик. Фермерларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча қулайликлар яратилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари замонавий трактор-лар, комбайнлар, агротехника ускуналари билан таъминланган. Улар етиштирган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун омборхоналар, корхоналар ташкил этилган. Буларнинг барчаси ҳавас қилгулик ишлар.

Биз ҳам ушбу истиқболли бозорда иштирок этиш учун мамлакатингиз қишлоқ хўжалиги соҳасига сармоя киритиб, яқин ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ниятидамиз.

**Дебора ВОЛЛИСЕ хоним, «Got Produce Franchising» компанияси бош ижрочи директори (АҚШ):**

— Юксак савияда ташкил этилган халқаро конференция иштирокчилар учун ғоят фойдали бўлди. Тадбир давомида биз, хорижлик қатнашчилар Ўзбекистоннинг нафақат озиқ-овқат саноати, балки сайёҳлик, маданият, иқтисодиёт, қурилиш, таълим тизимида ҳам улкан салоҳиятга эга эканига гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон билан танишув асосида бу ерда агротуризм юксак даражада ривожланганига ишонч ҳосил қилдик. Мафтункор юртингизга келган ҳар қандай сайёҳ ушбу саховатли заминда етиштирилган тотли меваларни, нозу неъматларни истеъмол қилиб роҳатланади ва ҳавас қилади.

Оламга довруғи кетган Самарқанд шаҳрини кўриб, унинг қиёфа ва жозибасига лол қолдим. Кўп мамлакатларда бўлганман, бироқ ҳеч қаерда бу қадар кўп суратга тушмаган эдим. Шаҳарнинг ҳар қарич ери азиз, ҳар бир ғишти тарих десам, муболаға бўлмайди. Муаззам Регистон майдони, муҳташам меъморий ёдгорликлар, маҳобатли тарихий обидалар, хусусан, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси неча асрлар ошса-да, дунё аҳлини ҳайратлантириб келмоқда. Биргина мана шулар учун ҳам ўзбек халқига ҳавас қилсак арзийди.

**ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди**

Иш билганга минг танга!

***Шўртангазкимё мажмуасида бошқа тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.***

# Ёрдамчи хўжалик

— Ҳудудимизда минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик мажмуаси, 4 та отарда 2,5 минг бошга яқин қўй-қўзилар, Деҳқонобод туманининг тоғли ҳудудларида 1300 бош «ангор» зотли эчкилар боқилмоқда, — дейди ёрдамчи хўжалик раҳбари Расул Тўрақулов. — Чўпон-чўлиқлар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йил эҳтиёжга яраша беда, ем-хашак етиштирилади.

Чўл ерларида 20 гектарлик мевазор боғ, 2 гектарлик токзор яшнаб турибди. 4 гектар майдонда сабзавот, полиз экинлари, маккажўхори дони ва силос етиштирилади.

Паррандачилик йўлга қўйилганига ҳам 3-4 йил бўлди. Айни пайтда 2,5 мингдан ортиқ парранда боқилиб, ходимлар гўшт ва тухум билан таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида 300 нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 20 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Ёрдамчи хўжалик аъзоларининг мақсади мажмуа ишчи-хизматчиларини сифатли гўшт, сут-қатиқ, тухум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, мева-чева билан таъминлашдан иборат.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

### Семинар-тренинг

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курсларида «Соғлом оилани шакллантириш асослари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг баъзи бир масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.***

# Оналик ва болалик – давлат муҳофазасида

Тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар прокуратураси, шаҳар адлия бошқармаси, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими вакиллари иштирок этди.

— Президентимизнинг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўқув-методик ва ташкилий масалалар бўлими бошлиғи Иззатилла Умаров. — Бунда, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда турли семинар-тренинглар ташкил этиляпти. Жумладан, соғлом оилани шакллантириш асосларини оммага кенг тарғиб қилиш, никоҳни муҳофаза қилишда ФҲДЁ бўлимларининг ролини ошириш, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари фаолиятини кучайтириш, шунингдек, ёшларга оиланинг муқаддас даргоҳ эканлигини тушунтириб, тўғри йўл кўрсатиш, оилалардаги келишмовчилик ва ажримларнинг олдини олиш борасида кўплаб ишлар олиб борилаётир.

**Нозима УМАРОВА, «Ishonch» мухбири**

### Ижтимоий шериклик

***Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий шериклиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Касаба уюшмаларининг ана шундай ижтимоий шериклари бири «Маҳалла» хайрия жамоат фондидир.***

# Муштарак мақсад сари

Ҳамкорликдаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида Федерация Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви томонидан йиллик қўшма тадбирлар режаси тасдиқлаб келинмоқда. Ушбу қўшма тадбирлар доирасида амалга оширилаётган ишлар натижасида жойларда ижтимоий масалалар ечимини топишда қатор енгиллик яратилмоқда. Яъни, касаба уюшмалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликка асосланган ҳамкорлик кам таъминланган, кўп болали оилалар, эҳтиёжманд фуқаролар, якка-ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари самарасини янада ошираяпти.

Таъкидлаш зарурки, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш масаласи устуворлик касб этиб, шу нуқтаи назардан, бугунги кунда маҳаллаларнинг оилалар даромадларини, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасидаги ишлари янада кенгайди.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари ҳам бевосита оилаларда ижтимоий сўров ўтказиш йўли билан аҳолининг ижтимоий масалалардаги талаб ва эҳтиёжларини ўрганмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда маҳаллаларни ўрганиш, аҳоли вакиллари билан учрашув ва хонадонма-хонадон суҳбатлар чоғида аниқланган масалалар касаба уюшма ва маҳалла фаоллари томонидан ижтимоий шериклик асосида ҳал этилаётир.

Шунингдек, жойларда билдирилган таклифлар асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бунда, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг, айниқса, аёллар ва ёшларнинг бандлиги, кам таъминланган, нотинч оилалар билан суҳбатлар ўтказиш, жумладан, уларни ишга жойлаштириш, бепул қорамол ва паррандалар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва эл-юрт маъмурчилиги, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида амалга оширилаётган ишларда ҳам касаба уюшмалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигини яққол кўришимиз мумкин. Хусусан, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, маҳаллаларни ободонлаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётир. Масалан, биргина 2013 йилда Самарқанд вилоятида аҳолига томорқа хўжаликларини ривожлантиришда қулай шароитлар яратиш учун кўчма савдо дўконлари ҳамда махсус кўчат сотишга ихтисослашган ярмаркалар ташкил этилди. Шунингдек, аҳоли томорқаси учун талаб этиладиган мевали дарахтлар ва узум кўчатлари сотиб олиш, уруғ, минерал ўғитлар, зараркунандаларга қарши воситалар билан таъминлаш, ихчам иссиқхоналар, паррандачилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш мақсадида ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш борасида 255 та оилага кўмаклашилди. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан кам таъминланган, якка-ёлғизлар, боқувчиси бўлмаган оилаларга уруғлик ва кўчатлар, 20 тадан парранда олиб берилди. Бу борадаги ишлар самарали ташкил этилган «Энг яхши хонадон», «Энг яхши МФЙ», «Энг яхши ҚФЙ»лар тақдирланиб, ҳар бир тумандан 3 тадан ана шундай намунали кам таъминланган оила санаторий шароитида бепул соғломлаштирилди.

***(Давоми 2-3-саҳифаларда).***

Ishonch
2014-yil 10-iyun № 71 (3420)

## Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

**Республика Савдо-саноат палатасида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.**

# РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛ

Унда «Йилнинг энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» номинациясида «Сувсоз» ДУК электротехника лаборатория бўлими етакчи мутахассиси Жамшид Зокиров, «Йилнинг энг фаол ёш тадбиркори» йўналишида «Довон» МЧЖ раҳбар муовини Нуриддин Абдуллаев ҳамда «Йилнинг энг фаол ёш ҳунарманди» йўналишида ёғоч ўймакори Абдулазиз Зиёев биринчиликни қўлга киритди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида иштирок этади.

**И.ҲАСАНОВ олган сурат**

## Касаба уюшмалари — болаларга

# ҲИММАТ УЧУН ТАШАККУР!

***Бухоро шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кўтаринки тарзда нишонланди. Байрам муносабати билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Ҳамза Рўзиев бошчилигида 10 нафар фаол мазкур интернат уйига ташриф буюрди.***

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи раҳбарияти ҳамда ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

«Бола шодлигидан олам мунаввар» деб номланган маданий тадбирда интернат уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури барчага хушкайфият бағишлади.

Интернат уйига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан компютер жамланмаси топширилди.

***

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Бухоро шаҳридаги 32-«Меҳрибонлик» уйининг банкдаги ҳисоб-рақамига 1 млн. 500 минг сўм маблағ ўтказди.

— Саховатпешалик ва инсоний ҳиммат учун касаба уюшма ташкилотларига астойдил ташаккур айтамиз, — дейди «Меҳрибонлик» уйи директори ўринбосари Дилафрўз Тошева. — Ушбу маблағ ҳисобидан 40 нафар тарбияланувчимизнинг Хива шаҳрига саёҳатини уюштирамиз.

Шунингдек, бирлашма кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларидан 500 нафарининг қўғирчоқ театри, музей ҳамда истироҳат боғларига ташрифи уюштирилаётир. «Биз — мустақил юрт фарзандларимиз!» шиори остида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва турли танловлар ғолиблари бўлган болаларнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларига саёҳати ташкил этилмоқда. «Меҳрибонлик» уйларининг 142 нафар тарбияланувчиси ва 100 нафар иқтидорли бола соғломлаштириш оромгоҳларида бепул йўлланмалар билан таъминланиши ҳам таҳсинга лойиқ ишдир.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Гулистон шаҳридаги вилоят халқ таълими бўлимига қарашли Болалар шаҳарчасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ҳамда «Мурувват ҳамда Меҳрибонлик уйлари — касаба уюшмалари эътиборида» номли тадбир бўлиб ўтди.***

## БАРЧА ШОДЛИК СЕНГА БЎЛСИН...

Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг эсдалик совғаси — компютер жамланмаси топширилди.

— Бирор тадбир йўққи, касаба уюшмалари иштирокисиз ўтса, — дейди Болалар шаҳарчаси директори Покиза Аҳмеджанова. — Бу йил ҳам тарбияланувчиларимиз оромгоҳларга бепул йўлланмалар билан таъминланди.

**Ўз мухбиримиз**

## Мурувват уйларида

***Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида жойлашган «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи 320 ўринга мўлжалланган. Бинонинг кириш ва чиқиш йўлакларига пандуслар ўрнатилган бўлиб, барча хоналар керакли тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Тарбияланувчиларга 6 нафар шифокор, 12 нафар ҳамшира ва 2 нафар уқаловчи тиббий хизмат кўрсатади. «Мурувват» уйидаги барча гуруҳларда ўйин, ёток, овқатланиш, ювиниш хоналари мавжуд.***

# Меҳр – кўнгил иши

Болаларни жисмоний, ҳиссий, руҳий ривожлантириш мақсадида «Мурувват» уйи ҳовлисида «Сенсор боғ», «Эртаклар олами» майдончалари, шу билан бирга, тарбияланувчиларни чиниқтириш мақсадида «барифутинг» (қумда юриш) майдончаси ташкил этилган. Сенсор хонада имконияти чекланган, парваришга муҳтож болалар билан кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тактил ҳисларни, таянч-ҳаракат аъзоларини фаоллаштириш мақсадида коррекцион машғулотлар олиб борилади.

«Мурувват» уйида болалар адабиёти, бадиий адабиётлар ҳамда махсус методик қўлланмаларга бой кутубхона мавжуд. Кези келганда, «Medikal Teams» ташкилоти томонидан спорт майдончаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Тарбияланувчилар ҳар йили республикадаги «Мурувват» уйлари ўртасида ўтказилаётган спорт ўйинларида фахрли ўринларни эгаллаб келишаётир. Яқинда имконияти чекланган болалар интернат уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган спорт ўйинларининг республика босқичида иккинчи ўрин насиб этди.

Ҳомийлар томонидан ташкил этилган 3 та иссиқхонада йил бўйи лимон ва кўкатлар етиштирилмоқда. Соғлом бола йили муносабати билан ҳудудда 150 ўринли бино қурилиши лойиҳалаштирилган.

— Муассасамизда 38 нафар тарбиячи, 2 нафар меҳнат йўриқчиси таълим-тарбия ишларини олиб боради, — дейди «Мурувват» уйи директори Абдуазиз Эшмуродов. — Болаларнинг қизиқишига қараб спорт, расм, компютер, тикиш, ёш боғбон ҳамда бошланғич элементар кулинария сабоқлари ўргатилмоқда. Республика миқёсидаги кўргазмаларда улар ўзлари ясаган қўл ишлари билан доимий равишда иштирок этишмоқда.

Болаларнинг дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қўғирчоқ театрлари спектакллари намойиш этилади, истироҳат, ҳайвонот боғлари каби дам олиш масканларига олиб борилади. Тарбияланувчиларнинг сенсор идрокини ривожлантириш мақсадида сайроқи қушлар ва балиқлардан иборат жонли бурчак ташкил этилган.

**Нодирабегим ЖЎРАЕВА,**
**ЎзМУ талабаси**

***Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи касаба уюшма қўмитаси энг намунали бошланғич ташкилотлардан бири. Қўмитанинг иш тажрибасини ўрганиш мақсадида ўтказилган ўқув-семинарда вилоятдаги қуйи бўғин етакчилари ва фаоллар йиғилди.***

# Тажриба асқотади

Айтиш жоизки, маъмурият томонидан касаба уюшма қўмитаси учун барча қулайликка эга алоҳида хона ажратилган. Мазкур хонада жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, қўмита аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари таркиби ҳамда эълон ва табриклар, меҳнат муҳофазаси бўйича стендлар жамланган. Касаба уюшма қўмитаси ютуқлари жамоатчилик назоратининг тўғри йўлга қўйилганлиги билан бевосита боғлиқ. Айниқса, ёшлар, хотин-қизларга маъмурият томонидан бериладиган барча имтиёз ва кафолатлар доимий назоратга олинган.

Қўмита томонидан ўтказилаётган кўрик-танловлар, Маънавият соатлари, хотин-қизлар билан ишлаш, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид тадбирлар видео-лавҳалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-семинар якунида иштирокчиларга услубий қўлланмалар тарқатилди.

**Б.САИДОВ,**
**тармоқ касаба уюшмаси**
**Бухоро шаҳар кенгаши раиси**

## Касаба сайр

# ЮРГАН ДАРЁ...

***Касби тумани қадимий масканлардан саналади. 200 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган туманимизда азалдан кулолчилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва боғдорчилик яхши ривожланган. Шунингдек, миришкор деҳқонларимиз ҳар йили давлатга 70 минг тоннага яқин пахта ва 50 минг тонна ғалла топширадилар.***

Яқинда биз, касбилик 30 нафар кекса касаба уюшмалари ҳомийлигида Хива ҳамда Самарқандга саёҳат қилиб келдик.

Хоразмдан олган таассуротларимиз ҳам бир олам. Айниқса, Хива шаҳридаги Ичан-Қалъа, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ислом Хўжа жомеъ масжиди, Ота дарвоза ва қалъа деворлари бизни лол қолдирди. Вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан хурсанд бўлдик.

Ушбу саёҳат чоғида қалбимизни шукрона ва ифтихор эгаллади. Тинч ва дориламон кунлар, фаровон ҳаёт учун Яратганга шукрона айтиб, Юртбошимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тиладик. Истаймизки, шундай эзгу ишлар бардавом бўлсин!

**Н.ФАЙЗИЕВ,**
**Касби тумани**

* * *

Китоб туманида жойлашган 5-«Меҳрибонлик» уйи 40 нафар тарбияланувчисининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳомийлигида Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Соғлом бола йили дастури доирасида ташкил этилган саёҳат учун ташкилотчиларга ташаккур айтамиз.

**Тоштемир САТТОРОВ,**
**Китоб туманидаги**
**5-«Меҳрибонлик» уйи**
**директори**

***Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Хўжайли туманидаги 1-«Меҳрибонлик» уйида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.***

# БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Ниетуллаев болажонларни байрам билан табриклаб, муассасага ЎзКУФКнинг қимматбаҳо совғаси — компютер жамланмасини топширди. «Қорақалпоқэлектртармоқлари» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси эса кир ювиш машинасини ҳадя қилди.

Байрам тадбирида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибаев ва Хўжайли тумани ҳокими Қ.Ешбоев иштирок этди.

***

Шу куни мазкур тумандаги 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернат тарбияланувчиларига 415 минг сўмлик ўқув қуроллари, Нукус шаҳридаги 19- ва 7-умумтаълим мактабларига чангютгич топширилди.

Шунингдек, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида 1-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларидан 20 ва Нукус шаҳридаги иқтидорли болалар мактаби ўқувчиларидан 20 нафарининг Хива шаҳрига саёҳатлари уюштирилди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# ЗАВҚ УЛАШИБ

94 нафар имконияти чекланган болани ўз бағрига олган Уйчи туманидаги 1-махсус мактабгача таълим муассасасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан байрам дастури ташкил этилди. Унда ижро этилган куй-қўшиқ, рақс ва саҳна кўринишлари болажонларга олам-олам завқ улашди.

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## Кўрик

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорликда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Ер куррасида тинчлик» деб номланган анъанавий расмлар кўрик-танловини ўтказди.***

# СУРАТЛАРДА ТИНЧЛИК МАДҲИ

«Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остидаги махсус ҳафталик доирасидаги танлов икки босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва МТМ тарбияланувчилари қатнашди. Уларнинг 100 дан ортиқ расмлари эътирофга лойиқ топилди. Тошкент Фотосуратлар уйида ўтган танловнинг якуний босқичида 9 нафар асосий ва 6 нафар номинация-лар бўйича ғолибларнинг энг яхши ишлари эълон қилинди.

Болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг тасвирий санъатга ва бадиий ижодга бўлган қизиқиш ва эътиборини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда иштирокчилар ўз ижод намуналари билан юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини баён қилишди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, «Соғлом авлод учун» фонди Тошкент Фотосуратлар уйида тошкентлик ёш ранг-тасвир устаси Камила Сагатованинг расмлар кўргазмасини ташкиллаштирди. Рассомнинг натюрморт, компютер графикаси жанрларидаги турли-туман асарларида она юртга, унинг ва меҳнатсевар халқига бўлган юксак муҳаббат ўз ифодасини топган.

Бир ой давом этадиган ушбу кўргазмага коллеж, лицей ва мактаб ўқувчилари, «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари тарбияланувчиларининг ташрифи уюштирилади.

**Ўз мухбиримиз**

# Муштарак

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Мазкур йўналишлардаги ишлар бевосита оилалар даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, банклар, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ каби ташкилотларнинг ижтимоий шериклигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Эзгуликка йўғрилган ишлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Республикамиз аҳолисига мурожаати эълон қилиниб, касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Кўчат экиб, боғ яратайлик!» шиори остида махсус акция ташкил этилди ва акция доирасида ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар атрофига 1,5 млн. тупдан ортиқ гул, 2 млн. 800 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Касаба уюшмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида оилалар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётир. Маҳаллаларда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми ва 12 йиллик мажбурий таълим тизимининг аҳволи, ўқувчилар, айниқса, қиз болалар, шунингдек, кам таъминланган ва нотинч оилалар фарзандларининг давомати, коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланиши ва қўнимлилиги масалалари устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Ижтимоий шериклик асосида маданий-маърифий ва спорт йўналишларидаги, ёшларнинг турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишга йўналтирилган ишлар ҳам бугун ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида маҳалла ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар, улардаги бошланғич касаба уюшмалари имкониятлари ишга солинмоқда. Хусусан, бугунги кунда Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Толарик» МФЙ биносини таъмирлаш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар якунига етказилаётир.

Касаба уюшмалари ва маҳалла институти ижтимоий шериклигининг яна бир муҳим йўналиши — оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқ. Республикамизнинг ҳар бир ҳудудида оилавий тадбиркорларни касаба уюшмаларига жалб этиш орқали ушбу фаолият билан шуғулланаётганлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари томонидан «Оилавий тадбиркорлик — замон талаби» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилиб, бу борада махсус тавсиялар қабул қилинди ва ҳар бир туманга етказилди. Жорий йилнинг апрел ойида касаба уюшмаларининг намунали туман кенгашларида ўтказилган ўқув-семинарларда ушбу масалада тушунтиришлар берилди.

Мазкур масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг 8 апрел куни оилавий тадбиркорлик масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда Тўрткўл, Беруний, Шуманай, Чимбой, Хўжайли туманлари ва Нукус шаҳрида фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлар иштирок этди.

Натижа шундан иборат бўлдики, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи 8 та корхона касаба уюшмаси хизматига олинди.

Бухоро вилоятида 5 та оилавий корхонани касаба уюшмаси хизматига жалб этиш юзасидан музокаралар олиб борилди. Сурхондарё вилоятининг Денов туманида 4 та, Термиз шаҳрида 2 та оилавий корхона ташкил этилиш арафасида бўлиб, уларга касаба уюшмалари туман кенгашлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишлар Тошкент шаҳрида, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Наманган вилоятларида изчиллик билан олиб борилмоқда. Сирасини айтганда, бугунги кунгача жойлардаги 151 та оилавий тадбиркорлик субъекти касаба уюшмаси хизматига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган 1215 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига олинди. Бундан кўзланган мақсад — уларнинг касаба уюшма аъзоларига яратилаётган имтиёз ва қулайликлардан тўлақонли фойдаланишларини таъминлашдир.

**Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида** касаба уюшмалари ва маҳалла институтининг ижтимоий шериклиги муҳим аҳамиятга молик бўлиб, бугунги кунда бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Хусусан, бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар жойлашган ҳудудлар ва улар атрофидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлиги орқали мазкур маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқаролар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда асосан корхоналарда ташкил этилган касаначилик иш ўринларига корхона яқинидаги маҳаллаларда яшовчи аҳолининг вақтинча банд бўлмаган қатламлари жалб этилаётир. Яна бир муҳим жиҳати, касаначи ходимлар касаба уюшма аъзолигига қабул қилиниб, корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоа шартномаларида кўзда тутилган имтиёз ва

# Самарқанд сайқали

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

— Касбим ҳайдовчилик. Кўп йиллар «МАЗ», «КАМАЗ» русумли юк машиналарини бошқарганман. Мана икки йилдирки, ўзимизда ишлаб чиқарилган «MAN» автомобилини ҳайдаяпман, — дейди Фозил Худойбердиев. — Юк кўтаришда ҳам, бошқарувда ҳам машинамиз ҳар жиҳатдан қулай. Двигатели ўта чидамли. Мустаҳкам, тежамкор, ишончли.

Фаолиятининг илк лаҳзаларидан то ҳозиргача қарийб тўрт мингга яқин турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқараётган корхона жадал одимламоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида юк кўтарадиган сомасваллар, комбинацияланган йўл машиналари, махсус цемент ташиш ва бошқа халқ хўжалигида асқотадиган автотранспорт воситалари харидорини топди.

Зарафшон соҳилида қад ростлаган «MAN» саноат комплексининг умумий майдони 44 гектарни ташкил этади. Корхонанинг айни дамдаги қуввати 3 мингдан ошиқ, келажакда эса 8 мингтагача юк автомобиллари ишлаб чиқарилади. Самарқандда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг маълум қисми Туркманистон, Афғонистон, Қозоғистон ҳамда Озарбойжон сингари қатор давлатларга экспорт қилинаётир. Иқтисодиёт ривожига муносиб улуш қўшаётган корхона жамоаси изланиш ва интилиш йўлидан бормоқда.

## ... ДОВОН ОШГАН «КАКА»ЛАР

Маҳаллий пахта хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган «DAKA TEX» хорижий корхонаси 2009 йилда ўз фаолиятини йўлга қўйган эди. Италия, Швейцария, Хитой, Ҳиндистон, Туркиядан келтирилган замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган корхона нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам етарлича мижозларга эга. Ишлаб чиқариш қувватини ошириш орқали янги иш ўринлари барпо этишга муносиб улуш қўшмоқда. Юз киши билан иш бошлаган корхона ходимлари сони айни чоғда уч юз нафарга етди.

Корхонага 2012 йилда италиялик ишбилармонларнинг 200 минг АҚШ доллари қийматига эга сармояси киритилди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва миқдорини оширишга туртки бўлди. Ана шу саъй-ҳаракат боис корхона маҳсулотларининг хорижга экспорти ҳажми саккиз млн. долларга етди.

— Ҳар бир ходим учун етарлича иш ва дам олиш шароити яратиб берилган, — дейди «DAKA TEX» хорижий корхонаси касаба уюшма ташкилоти раиси Луиза Ирмухаммедова. — Иш шароити шаҳодатдан ўтказилиб, дастгоҳлар мукаммаллиги таъминланаётир. Кам таъминланган ходимлар маъмурият ва касаба уюшмалари томонидан қўллаб-қувватланаётир. Фаолиятимизни намунали ташкил этганлигимиз боис бизда ҳеч қанақа тушунмовчилик, муаммоларга ўрин қолмаган.

Ўтган йили россиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда яна бир «DAKA» корхонаси иш бошлади. Асосан трикотаж маҳсулотлари, футболка, ички кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонага газмоллар ва бўз маҳсулотларини «DAKA TEX» корхонаси етказиб бераётир.

300 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция эвазига Хитой, Япония ва Туркиядан юздан ортиқ тикув-бичиш машиналари келтириб ўрнатилган. Аксарияти коллеж битирувчилари ҳисобидан тўлдирилган ёш жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг асосий қисмини хорижга йўналтиришни мақсад қилган.

## ... СИНО ҲАМОН БИТТАГИНА

Маиший музлаткич ва совутгичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «СИНО» корхонаси Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Корхонанинг асосий мижозлари Россия, Украина, Қозоғистон, Туркманистон каби давлатлардир. Хитой ишбилармон доиралари билан ҳамкорлик самараси юқори бўлмоқда. Айни чоғда, корхонада меҳнат қилаётган уч юз нафарга яқин ходим 7 хилдаги маиший техника ва турли соҳалар эҳтиёжи учун музлаткичлар ишлаб чиқаришни уддалаётир.

— «Сино» тамғаси билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидоргир, — дейди меҳнат фахрийси Садриддин Аслиддинов. — Ҳозир кўплаб савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ана шу корхона музлаткичларини сотиб олаётир.

## ... АСЛ ҲОЛИГА ҚАЙТГАН «АСЛ НАФИС»

«Алоқабанк»нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 12 млрд. сўмлик кредит «Асл нафис»ни асл ҳолига қайтарди. Корхона маъмуриятининг изланиши бесамар кетмади. 200 турдан зиёд чинни идишлар ишлаб чиқаришга эришаётган жамоада 250 киши меҳнат қилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича Ангрендан келтирилаётган коолон хомашёсининг таркиби такомиллаштирилиб, французлар фойдаланадиган иччам хумдонлардан фойдаланилаётир. Бу эса идишлар сифатини яхшилашга хизмат қилаяпти.

Самарқандда фаолият кўрсатаётган икки мингдан ортиқ корхона ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Улар юртимизда яратилган имкониятлар боис ривожланмоқда, юксак довонларни кўзлаб одимламоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

■ Сизнинг адвокатингиз

# Аъзолар манфаати ҳимояда

***Касаба уюшмаларининг устувор мақсадларидан бири ҳуқуқий ҳимояни амалга оширишдан иборат. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари қошида фаолият юритаётган «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Ишонч телефони» муҳим ўрин тутмоқда. Наманган КУТБКда ташкил этилган юридик маслаҳатхонада жорий йил 41 нафар, «Ишонч телефони» орқали 18 нафар фуқарога бепул хизмат кўрсатилди. Бир неча меҳнаткашнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.***

Поп тумани Чодак ҚФЙда истиқомат қилувчи Маҳмуда Мирасланова касаба уюшмаларига қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилди. Маълум бўлишича, М.Мирасланова 2011 йил 20 июн куни муддатли меҳнат шартномаси билан 1 йилга Чодак ҚВП участка ҳамширасига вазифасига қабул қилинган. 2014 йил 2 январ куни эса МКнинг 105-моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ваҳоланки, ушбу моддада: «Муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади» деб белгилаб қўйилган. Яъни ўз вақтида бекор қилинмаган муддатли меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган ҳисобланиб, умумий асосларда бекор қилиниши лозим. Мамлакатимиз қонунларининг юқоридаги талаблари туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига тушунтирилиб, М.Мирасланова ўз ишига қайта тикланди.

**Мавлонбек ЗАРИПОВ,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим юристконсулти**



# САРА ВА СИФАТЛИ

**Жиззах шаҳридаги «Jizzax Tostepa tekstil» масъулияти чекланган жамиятида олти турда трикотаж мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.**

Замонавий тарзда жиҳозланган корхона истеъмол бозорига 85 тонна мато етказиб бериш қувватига эга. Бу ерда катталар ва болалар учун тайёр трикотаж буюмлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Корхонада меҳнат қилаётган 80 ишчи-хизматчининг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

***Суратларда: корхона ишчиси Сурайё Мамаева; лаборант Умид Бузруков; (чапдан) ишчилар Севара Тўраева ва Шоҳиста Жабборова.***

**ЎзА фотомухбири**
**Шерзод НАЗАРОВ олган суратлар**

■ Танлов

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон туман кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ўтказилди.***

# Устозларга олқишлар

Сараланган 78 нафар номзод туман босқичида қатнашди. Улар орасидан Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати директори, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Саид Раҳмонов, 65-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқитувчиси Ёркин Туробов, 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Турсуной Равшанова ғолиб деб топилди.

1-умумтаълим мактабида 1- ва 2-босқич ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда Ғиждувон туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири И.Норов тизимда кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, ўқув йилида эришилган муваффақиятлар ҳақида гапириб, бунда ўз касбининг моҳир эгалари бўлган устоз-мураббийлар меҳнати катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

**Ўз мухбиримиз**

■ Матбуот анжумани

***Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада таъкомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида матбуот анжумани ташкил қилинди.***

# Тизим такомиллашмоқда

Анжуманда соҳа мутахассислари томонидан мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш жараёни тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Ҳуқуқшунослик факултетларини тамомлаётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Давлат ва хўжалик бошқарув органларида янги ташкил қилинаётган иш ўринларида жорий йилда 630 нафар битирувчи иш билан таъминланиши эътироф этилди.

— Университетимизда маҳсус рейтинг тизими жорий этилган, — дейди Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Канезов. — Рейтинг тизими талабаларни ўз устида ишлашга рағбатлантириб, билимларни баҳолаш жараёни адолатли тартибда амалга оширилишига замин яратади. Шунингдек, университетимиз Япония, Буюк Британия ва Франциянинг соҳага оид университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Осока университетида ҳозирги кунда талабаларни ўқитиш дастури доирасида 30 нафар магистр ва бакалавр йўналишидаги талабалар таълим олмоқда.

**Роҳила МАМАТҚУЛОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

Реклама ўрнида

TURON BANK

***ОАТБ «Туронбанк» бугунги кунда юртимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ишбилармонларга, оилавий тадбиркорларга ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилаётир. Ажратилаётган кредитлар жойларда, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётгани, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани аҳамиятга моликдир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кам фоизли, имтиёзли, узоқ муддатли кредит маблағлари тадбиркорга қулай муҳит яратишнинг бош омилларидан саналади.***

# Ҳаётбахш сармоялар

ОАТБ «Туронбанк» томонидан 2014 йил 1 май ҳолатига кўра, хўжалик субъектларини ривожлантириш учун 1 миллиард 698 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 768 миллион сўм кўп демакдир. Шундан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 105 миллион сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 75 миллион сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 150 миллион сўм микрокредитлар оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳасини ривожлантиришга хизмат қиладиган бўлди.

Хусусан, «Туронбанк»нинг Фарғона вилояти филиали томонидан 2014 йил 1 май ҳолатига кўра, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга 3 млрд. 769 млн. сўм йўналтирилди.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётир. Шунингдек, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ажратилмоқда. Айтиш жоизки, ОАТБ «Туронбанк» коллежлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, кўплаб тадбир ва анжуманларни ўтказиб келяпти.

Банклар томонидан ҳунармандчилик билан шуғулланувчилар фаолиятини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ва кенгайтириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Марғилонлик Аъзамжон Абдуллаев мамлакатимизда ҳунармандларга яратилган кенг шарт-шароитлар самарасида шойи ва адрас матоларига янгича жило бахш этишга муваффақ бўлди.

Бугунги кунда А.Абдуллаев аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳунар ўргатиш ҳамда иш билан таъминлаш мақсадида «Ёдгорлик» МЧЖни ташкил этди.

— Қизларга ҳунар ўргатиш мақсадида ОАТБ «Туронбанк»нинг Марғилон шаҳри филиалидан 150 млн. сўм миқдорида кредит маблағини олиб, шойи ва адрас матоларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Лойиҳани амалга ошириш натижасида 5 киши ишли бўлди. Бугун ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга талаб катта. Ишимизнинг тез суръатда ривожланишида, албатта, ОАТБ «Туронбанк»нинг молиявий кўмаги асқотди. Бундан буён ҳам мазкур банк билан ҳамкорликка умид боғламоқдамиз, — дейди «Ёдгорлик» МЧЖ раҳбари Аъзамжон Абдуллаев.

Соғлом бола йилида ҳам мижозлар манфаати йўлида фаолият кўрсатишни мақсад этган банк жамоаси тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қиладиган лойиҳаларни доимо қўллаб-қувватлайди.

**Банк материаллари асосида**
**«Ishonch» мухбири**
**Н.ИСМАТОВА тайёрлади.**

# Мақсад сари

қулайликдан фойдаланишлари учун имкониятлар яратиляпти.

Бугунги кунда жойларда касаба уюшмалари маблағларини йўналтирган ҳолда янги иш ўринлари ташкил этиш жараёнида кам таъминланган, кўп болали фуқаролар бандлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касаба уюшмалари тизимидаги «Умид гулшани» санаторийси ҳудудида ташкил этилган «Касаба текс» ижтимоий корхонаси фикримизнинг далилидир. Мазкур корхонада Қибрай туманида истиқомат қилувчи 20 нафар аёл ва касб-ҳунар коллежларини битирган қизларнинг бандлиги таъминланди. Касаба уюшмалари томонидан Андижон вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка туманларидаги тикувчилик, қандолатчилик цехларига маҳаллий хотин-қизлар ишга жойлаштирилди. Ўз навбатида, ушбу кичик корхоналарда меҳнат қилаётган фуқароларга етарли ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилган. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва амалиёт ўтаётган ўқувчиларга касаба уюшмалари томонидан моддий кўмак бериш тизими жорий этилгани баробарида уларнинг иш жойларидаги қўнимлилиги бўйича мониторинг олиб борилаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

**Касаба уюшмалари ва маҳалла институтининг тўртинчи муҳим йўналиши** — маҳаллаларда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийлари, жисмоний имконияти чекланган инсонлар, якка-ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва улар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан доимий йиллик акциялар ташкил этиб келинмоқда. «Касаба уюшмалари — фахрийларга», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин», «Хотира — абадий, жасорат — мангу», «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга», «Касаба уюшмалари — болаларга», «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» каби акциялар шулар жумласидан. Хусусан, «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида қишлоқ жойларида яшовчи ва ижтимоий ҳимояталаб оилалардан бўлган 184 нафар аёлга 130 млн. сўмлик электр маиший техника жиҳозлари (кир ювиш машинаси, микро-тўлқинли печ, музлаткич) совға қилинди. Касаба уюшмалари тизимидаги соғломлаштириш муассасаларида кам таъминланган оилалардан 412 нафар аёл бепул соғломлаштирилди, 124 та ёш оилага 248 та имтиёзли йўлланма берилди. Бундан ташқари, қарийб 3 минг нафар она ва бола биргаликда соғломлаштирилди. Жорий йилда мазкур йўналишлардаги ишлар изчил давом эттирилиб, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларида яшовчи хотин-қизларимизнинг уй юмушларини енгиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида яна 1000 нафар аёлга касаба уюшмалари томонидан маиший-техника жиҳозлари топширилади.

Меҳнаткашлар фарзандларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган «Касаба уюшмалари — болаларга!» акцияси доирасида маҳаллаларда истиқомат қилаётган ота-онасиз ва жисмоний имконияти чекланган 18 минг 84 нафар болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари, «Болалар шаҳарчаси», «SOS — Болалар маҳаллалари» тарбияланувчиларининг маданият ва истироҳат боғлари, театр, цирк, музей, тарихий обидалар ва хайрия концертларига бепул ташрифлари ташкил этилди. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 6 минг 384 нафар фарзандига байрам совғалари, ўқув қуроллари, спорт жиҳозлари, китоблар, болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилди.

Болаларнинг оромгоҳларда сифатли дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш борасидаги тизимли ишлар натижасида ўтган йили ёзги мавсум давомида 1 минг 58 та оромгоҳда 293 минг 866 нафар бола дам олдирилди. Уларнинг 73 мингдан ортиғи, шу жумладан, 4,5 минг нафар Оролбўйи болалари, 3,9 минг нафар маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари ва жисмоний имконияти чекланган болалар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари соғломлаштирилди. Жорий йилги соғломлаштириш мавсумида болажонлар учун яна бир янгилик — касаба уюшмалари ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида республикамизнинг турли ҳудудларида яшовчи 600 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари қатори Сурхондарё вилоятининг экологияси ноқулай Сариосиё ва Узун туманларида истиқомат қилаётган ўғил-қизларни ҳам мамлакатимизнинг энг баҳаво оромгоҳларида бепул дам олдириш режалаштирилмоқда.

Мазкур йўналишларда касаба уюшмалари ва маҳалла институтининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини ривожлантириш мавжуд ижтимоий масалаларнинг самарали ҳал этилишида ёрдам берибгина қолмай, аҳоли турмуш даражасининг янада ошиши ҳамда мамлакатимиз иқтисодий қудратининг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари**

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилотлари ходимлари «Истиқлол» санъат саройи раҳбари **Мирзаанвар ҲАЙДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

## Эртамиз эгалари

# Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл

***Мамлакатимизда ёшларнинг чуқур билим олиши, ўз иқтидорини тўлалигича намоён этиши учун кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 840 нафар ўқувчи таҳсил оладиган Қарши маданият коллежида бўлганимизда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.***

«Туризм, меҳмонхона, ресторан ташкилотчиси», «Компютер графикаси ва мултимедиа тизимлар техниги», «Фолклор-этнографик жамоалар раҳбари», «Маданий-маърифий фаолият ташкилотчиси», «Анъанавий ҳаваскорлик ансамбллари раҳбари», «Маданий-маърифий тадбирларни бадиий безовчи рассом», «Халқ чолғу ансамбли раҳбари», «Ахборот-ресурс маркази мутахассиси» каби қатор ихтисосликлар бўйича кичик мутахассислар тайёрлайдиган мазкур таълим масканида 246 нафар ходим меҳнат қилади.

Касабақўм етакчиси Эргаш Мамадиёров кўп йиллардан буён жамоа манфаатларига камарбаста. Қулай ва хавфсиз иш шароитлари яратиш, педагоглар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, ёшлар бандлигига кўмаклашиш ишлари устознинг кундалик ташвишига, ҳаёт тарзига айланган. Иш берувчи билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳеч бир ходимнинг мурожаатини беэътибор қолдирмайди.

— Коллежимизда таҳсил олиш истагида бўлган ёшлар сони йилдан-йилга ошиб боряпти, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Бахтиёр Шодиев. — Яқиндагина «Мусиқа, санъат ва фолклор йўналиши» кафедрасининг «Устозлар гулдастаси» номли концерт дастури намойиш этилди. Бу тадбирлар ўқитувчи ва ўқувчиларимизни ўз устида тинимсиз ишлашга, янгидан-янги асарлар яратишга ундаши табиий. Бунинг самараси ўлароқ, ўқувчимиз Ирода Бобоева 2013 йилда «Анъанавий ижрочилик» йўналиши бўйича ўтган республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Халқ чолғулари йўналиши бўйича дуторчи қизимиз Дилдора Имомова ҳам лауреатлар сафидан жой олди. Кафедра мудири Воҳид Ражабов жонкуяр мураббийлардан. Катта ўқитувчилар — Нишон Авазов, Шаҳноза Усмонова, Жўрабек Аҳмедов, Олимжон Исмоилов, ёш ўқитувчиларимиздан Ихтиёр Жуманов, Мақсуджон Ёрқулов йигит-қизлар энг яхши фазилатлар эгаси бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Коллежимизда спорт бўйича ҳам яхшигина натижалар қўлга киритилмоқда. Жисмоний тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Сардор Бўронов ва аҳил мураббийлар жамоаси 10 та спорт тўгарагини юргизмоқда. Волейбол, қўл тўпи, футбол, енгил атлетика, бокс, юнон-рум кураши, қўл жанги, стол тенниси, шахмат, шашка кабилар шулар жумласидандир.

Бокс бўйича вилоят кубогида зафар қучган Фазлиддин Чўлиев, жеткундочи қизимиз Дилфуза Эшонқулова, паралимпия спорт турлари бўйича республика биринчилиги совриндори Фатхулла Омонуллаев каби ўқувчиларимиз коллеж фахрига айланган. Қолаверса, ходимлардан ташкил топган мини футбол жамоаси вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ўтказилган турнирда иккинчи ўринни эгаллади.

Келажак бугундан бошланади. Зеро бугуни порлоқ масканга эртага ҳам қуёш заррин нурларини сочаверади.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Фестивал

***Бухорода ипак ва зираворлар фестивали бошланди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.***

# ИПАК ВА ЗИРАВОРЛАР

Бухоро вилояти ҳокимлиги, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг вилоят минтақавий бўлими, «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самара бераётгани алоҳида таъкидланди.

Каштачилик, зардўзлик, ўймакорлик, заргарлик, кулолчилик, гиламчилик, пичоқчилик сингари қадимий ҳунармандчилик турларини намойиш этишга қаратилган ушбу фестивалнинг кўҳна Бухорода ўтказилаётгани бежиз эмас.

— Улкан туристик салоҳиятга эга Ўзбекистоннинг, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларини кўришга бўлган қизиқиш халқаро миқёсда тобора ошиб бормоқда, — дейди англиялик сайёҳ Патрик Маккарти. — Бу юртга келган ҳар бир сайёҳ бетакрор тарихий обида ва маданий ёдгорликлар, ўзига хос урф-одат ва қадриятлардан ҳайратга тушади. Турмуш ўртоғим билан Бухорога саёҳатимиз шундай ажойиб фестивалга тўғри келганидан ғоят хурсандмиз. Фестивал бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида ипак маҳсулотлари ва зираворлар савдоси ўтказилмоқда. Бухоро мис-кандакорлик, миниатюра, зардўзлик, темирчилик, кулолчилик мактаблари тажрибаси билан таништириш маросими, ипак гилам, атлас ва адрас тўқиш, каштачилик соҳаси усталарининг маҳорат дарсларини йиғилганлар катта қизиқиш билан кузатмоқда.

Ёш дизайнерларнинг модалар коллекцияси намойиши, халқ миллий ўйинлари, фолклор дасталарининг чиқишлари тадбирга ўзгача шукуҳ бахш этаётир.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ФАРҒОНА

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларига оид қарори доирасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида Фарғона шаҳри янгича қиёфа касб этмоқда.

Бир-биридан кўркам ижтимоий иншоотлар, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари, савдо мажмуалари қад ростлади. Вилоят қўғирчоқ театри, Марказий маданият уйи, Алишер Навоий номидаги кинотеатр биноси янгидан барпо этилди. «Агробанк», «Ипотекабанк» ва «Асакабанк» филиаллари бинолари қуриб битказилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уйлар бунёд этилди. Шаҳар ҳавоси мўътадиллигини сақлаш мақсадида кўплаб фавворалар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий аттракционлар ўрнатилди.

**Суратларда: Чирой очаётган Фарғона шаҳри.**

**ЎзА фотомухбири**
**Муқимжон ҚОДИРОВ**
**олган суратлар**

## Спорт оламида

### ШАХМАТ

***18 июн — 2 июл кунлари Грузиянинг Телави шаҳрида хотин-қизлар ўртасида FIDE Гран-при турнирининг навбатдаги босқичи ўтказилади.***

## НАФИСА ГРАН-ПРИДА ДОНА СУРАДИ

Дунёнинг етакчи шахмат усталари иштирокидаги мазкур мусобақада ўзбекистонлик хотин-қизлар орасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ҳам баҳс юритади.

Голиблик учун дона сурадиган шахматчилар: Ю Фан (Хитой), Хампи Конеру (Ҳиндистон), Анна Музичук (Словакия), Нана Дзагнидзе (Грузия), Александра Костенюк (Россия), Антоанета Стефанова (Болгария), Харика Дронавали (Ҳиндистон), Чжао Сюэ (Хитой), Элина Данилян (Арманистон), Нафиса Мўминова (Ўзбекистон), Цзюй Венцзюн (Хитой), Бела Хотенашвили (Грузия).

### ТРАМПОЛИН

***Токио шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Амиран Бабаян муносиб иштирок этиб, жорий йилнинг 6-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида уюштириладиган II ўсмирлар Олимпиадаси йўлланмасига эга бўлди.***

## ЯНА БИР ЙЎЛЛАНМА

Ушбу нуфузли мусобақанинг яккалик баҳсларида қатнашган спортчимиз кучли тўртликдан жой олди. Шундай қилиб, ўсмирлар Олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчиларимиз бадиий гимнастика бўйича — 7 та, оғир атлетика ва боксда — 3 тадан, академик эшкак эшиш, ўқ отиш, спорт гимнастикаси ва юнон-рум курашида — 2 тадан, таэквондо WTF, дзюдо, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, стол тенниси, трамполин ва хотин-қизлар курашида биттадан йўлланмага эга.

### ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ

***Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида спортчиларимиз совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.***

## ОЛТИН, КУМУШ, БРОНЗА

Юнон-рум кураши бўйича ўтказилган мусобақаларда терма жамоамиз аъзоси Ислом Баҳромов вазни 50 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Ушбу вазн тоифасида ҳиндистонлик Анил Анил кумуш медал, КХДР вакили Нам Квон ҳамда эронлик Реза Хейроллоҳ Нерди бронза медали билан тақдирланди.

Юнон-рум кураши бўйича энг оғир (-120 кг.) вазн тоифасида гиламга тушган юртдошимиз Далер Раҳматов эса бронза медали билан тақдирланди. Ушбу вазнда Жанубий Корея вакили Шак Ли Сунг биринчи, хитойлик Бин Лиу иккинчи ўринни эгаллади. Осиё чемпионатининг яна бир бронза медали эронлик Бабак Гасем Размпушга насиб этди.

Шунингдек, эркин курашда Сирожиддин Ҳасанов (-60 кг.) кумуш ҳамда Абдурасул Ваҳобов (-74 кг.) бронза медалларни терма жамоамиз ғазнасига қўшиб қўйди.

Аёллар кураши бўйича мусобақаларда Зуҳра Отамуродова (-44 кг.) финалга қадар кечган беллашувларни ғалаба билан якунлаб, кумуш медал соҳибасига айланди.

Ушбу вазн тоифасида Жин Хянг Пак (КХДР) биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Баттогтох Лҳагва (Мўғулистон) ва Элвира Абилкаирова (Қозоғистон) учинчи ўринни банд этди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

**Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 55-уй ёнида жойлашган умумий майдони 632 кв.метрга тенг бўлган қурилиши тугалланмаган савдо дўкони бино ва иншооти.**

**Бошланғич нархи — 1 291 025 500 сўм.**

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

**Аукцион савдоси 2014 йил 14 июл куни соат 11.00 да** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 28 июл ва 11, 25 август кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади. **Хизматлар лицензияланган.**

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

## Анъанавий турнир

***Паркент тумани марказидаги «Қўшчинор» кураш аренасида белбоғли кураш бўйича ташкил этиладиган анъанавий турнирга ҳар йили шогирдларимни олиб келаман. Нафақат қатнашиш, балки белбоғли кураш усталарининг ҳақиқий санъатга менгзагулик баҳсларига гувоҳ бўлиш менга завқ-шавқ бағишлайди.***

# Янги номларни кашф этди

Бу йил мусобақа ва турнирга қизиқиш ошганлигини кўрсатди. Белбоғли кураш нафақат водий минтақаси ва Тошкент шаҳри ҳамда вилоятида, балки республиканинг барча ҳудудларида жадал ривож топаётгани кўзга ташланди.

Эътиборлиси, хориждан келган мутахассислар, халқаро федерациялар мутасаддилари ҳам баҳсларни ҳаяжон билан кузатишди.

Халқаро белбоғли кураш федерацияси бош котиби Винер Гайнулиннинг эътирофи буни тасдиқлаб турибди:

— Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман. Бироқ сиздагичалик спортга бўлган эътибор ва ғамхўрликни учратмаганман.

Ўзбекистон белбоғли кураш терма жамоаси жаҳон ва Осиё чемпионатларида етакчи ўринларни қўлга киритиб келаётгани ҳам бежиз эмас. Бунинг исботи ўлароқ, Зайнобиддин Ортиқов, Раҳматжон Шомуродов сингари жаҳон чемпионларига муносиб рақиблар кўзга ташланди. Ёшлар пешқадамлардан кам эмаслигини исботлашди.

Мусобақада Хоразм вилоятидан 5 нафар полвон иштирок этди. 73 кг. вазн тоифасида Раҳматжон Шомуродов ҳамда 90 кг.да Қудрат Бозорбоевнинг иштироки мухлисларга айниқса манзур бўлди.

Ўзим Янгибозор туманида ёшларга белбоғли кураш сирларини ўргатаман. Янгибозор педагогика коллежида ишлайман. Хоразмда, хусусан, туманимизда белбоғли курашга қизиқиш юқори. Ушбу спорт тури бўйича Ўзбекистонда қизлар ўртасида биринчи жаҳон чемпиони бўлган полвон — Замира Аҳмедова айнан бизнинг тумандан.

Паркентдаги турнирда 55 кг. вазнлилар ўртасида Қодир Зоиров, 60 кг.да Суннатулла Қозоқбоев, 66 кг.да Акмал Нурматов, 73 кг.да Баҳром Рисқибоев, 81 кг.да Элдор Неъматов, 90 кг.да Нозимжон Иброҳимжонов, 100 кг.да Нуриддин Маҳаматов, +100 кг. вазн тоифасида эса Ғолиб Аҳмедов бош мукофот соҳиби бўлганлиги кўнгилларга сурур бағишлади.

Мутлақ вазн тоифасида елкаси ер кўрмаган паркентлик Нуриддин Маҳаматов яна бир бор турнир ғолибига айланди. У финалда Ғолиб Аҳмедовдан устун келди.

Шу ўринда жамоамизга ҳар томонлама кўмак бериб келаётган спорт фидойиси, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман кенгаши раиси, туман белбоғли кураш федерацияси раҳбари Раҳимбой Шержоновнинг хизматларини ҳам эътироф этишни истардим.

**Ҳусан МАТҚУРБОНОВ,**
**Янгибозор тумани**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -19.10
Topshirildi - 19.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 3 4